



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2016 йил 5 август кунги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлисини жорий йилнинг 24-25 август кунлари Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида ўтказилаётган Олий Мажлис Сенати ялпи мажлисининг кун тартибига Олий Мажлис Сенатининг ўтган даврдаги фаолияти якунларига ва келгуси йилдаги устувор вазифаларга бағишланган маърузанинг киритилиши муҳим эканлигини алоҳида қайд этдилар.


Сенатнинг ялпи мажлисида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ҳамда эркинлаштиришга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциямиз 23 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида баён этилган вазифаларни бажаришга қаратилган бир қатор қонунлар кўриб чиқиладди. «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (янги таҳрири), «Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги (янги таҳрири) ва бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

Мажлисида Олий Мажлис Сенати Кенгашининг ваколатига қараганда бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Барча муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.

ЎзХДП «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ



Aholi bandligi - ijtimoiy himoyaning eng maqbul yo'li!



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

Сафимиздаги ёшлар 140 минг нафардан ошди

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти сафидаги ёшлар сони тобора ортиб бормоқда. Бунга ўз-ўзидан эришилмади. Ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий билимларини ошириш, демократик ислохотлар жараёнида уларнинг

иштирокини кучайтириш мақсадида ўтказилаётган тадбирларнинг самараси бу, албатта. Хусусан, жойларда «Коллежлан — корхонага», «Ёшларни ётғоялар таъсиридан асрайлик», «Интернет ва ёшлар», «Депутат ва ёшлар» каби лойиҳалар

доирасида давра суҳбатлари, учрашув ва очик мулоқотлар ташкил этиляпти. Ёшлари билимли мамлакатнинг келажаги буюк бўлади, — дейди ЎзХДП Марказий Кенгаши Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оши-

риш масалалари бўйича сектор муdiri Умurbek Бектемиров. — Шу маънода бугун олдимизда жуда муҳим вазифалар турибди. Сафимиз ташаббускор ёшлар билан кенгайтгани бизга куч беради, шу билан бирга, катта масъулият юклайди.

ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

Янги қонун лойиҳалари

қандай ҳуқуқий масалалар ечимига хизмат қилади?..

БМТ маълумотларига қараганда, бугунги кунда дунёда ўн миллионлаб болалар таълим олишдан маҳрум. Мутахассислар Африка қитъасида ўқиш ва ёзишни билмайдиганлар Бразилия аҳолисида ҳам кўпчилигини таъкидлашмоқда. Миллионлаб болалар эса очликдан азият чекмоқда...



2

ВАТАНИМИЗ

МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Олмалиқ шаҳрида мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб, «Юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, ривожланиш ва тараққиёт одимлари» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тараққиёт одимлари эътирофи

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, ижодкорлар, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари педагоглари ва ёшлар иштирок этди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар, барқарор иқтисодий тараққиётга эришиш ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган доимий эътибор юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Энг улуғ, энг азиз байрамимизни муносиб кўтиб олиш, ушбу сана муносабати билан ташкил этиладиган тадбирларни кўтаринки руҳда ўтказиш юзасидан фикр алмашилди.

Президентимизнинг жорий йил 2 июндаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастурий-амал бўлмоқда, — дейди Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши раиси Меҳроҳ Дархонов. — Халқимизнинг дунёқараши, ҳаётга, меҳнатга муносабати ўзгариб, ижтимоий фаоллиги ва мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг бўламли ислохотларга дахлдорлик туйғуси юксалиб кўлаётганини ўтказилаётган тадбирларда ҳам яққол кўриш мумкин.

Партиянинг шу мазмундаги тадбири Қўйи Чирчиқ туманида ҳам бўлиб ўтди. Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори томонидан ташкил этилган тадбир «Биз терроризмга қаршимиз» деб номланди. Унда бугунги дорилмон кўнларнинг кадрига этиш, дунёнинг турли нукталарида кузатиладиган нотинчликлар, терроризм балосининг инсон ҳаёти, ҳуқуқлари, кадр-қиммати, оқсоқил турмуши ва келажагига жиддий таҳдид солаётгани каби долзарб мавзуларда маърузалар тингланди.

И.АВВАЛБОВ,
ЎЗА мухбири.

БУГУН ОНА ЮРТДА...

ПОЙТАХТИМИЗДА

янги истироҳат боғи очилади

Тошкентдаги «Анҳор-Локомотив» дам олиш ва истироҳат боғининг Фейсбукдаги саҳифасида маълум қилинишича, 8 август кун мазкур боғ ўз эшиklarини дам олувчиларига очади.

Пойтахтимизнинг Лабзак ҳамда Зулфияхоним кўчалари оралиғида жойлашган истироҳат боғида республикада энг катта ҳисобланган картодром (майдони 12 000 кв.м.), фильмлар намоиш этиладиган, концертлар ўтказиладиган ёзги майдон, катамаран ва ретро-машина шаклидаги электр қайиқлари билан таъминланган сунъий сув ҳавзаси, 4 кинозал, 320 ўринли ресторан, янги кафе, автотураргоҳлар ўрин олган.

Бундан ташқари, турли рангда товланувчи улкан фаввора, автодром, аттракцион мавжуд.

Янги боғда, юртимизнинг диққатга сазовор меъморий ёдгорликлари — Тошкент телеминараси, Калта Минор (Хива) минори, Шердор мадрасаси (Самарқанд), Минораи Калон (Бухоро), Бобур ёдгорлик мажмуаси (Андижон), Тошкент курантлари ва Амир Темури давлат музейининг макетлари жойлашган.

«ГУРВАК» ҚОВУН

сайли ўтказилади

Бугун Хоразмдаги «Ичан Қалъа» давлат музей қўриқхонасида «Гурвак — Хоразм қовунчилиги рамзи» номи савдо ярмаркаси бўлиб ўтади. Бу ҳақда «Ўзбектуризм» Миллий компанияси матбуот хизмати хабар бермоқда.

Қадимдан Хоразм вилоятининг гурвак навли қовунлари барчага манзур ва машҳурдир. Шу сабабли сайл ҳам айнан шу қовун номи билан аталган.

Мазкур тадбир доирасида Ичан Қалъа мажмуаси ва Қўҳна Арк майдони ҳудудида маҳаллий ва чет эллик меҳмонлар учун бир қатор маданий тадбирлар уюштирилади.

СУДЛАР УЧУН ЯНГИ БИНОЛАР

Мустақиллик байрами арафасида фуқаролик ишлари бўйича Ромитан туманлараро судининг икки қаватли янги биноси фойдаланишга топширилди.

— Янги кўш қаватли бино хоналари, суд жараёни ўтказиладиган заллар энг замонавий жиҳозлар ва техника воситалари билан таъминланган, — дейди фуқаролик ишлари бўйича Ромитан туманлараро суди раиси Истам Турдиев. — Бу эса жиний ишларни муддатда кўриб чиқиш, фуқаролар вақтини тежаш учун катта қўлайлик яратади.

Шунингдек, жиноят ишлари бўйича Ромитан ва Ғиждувон туманлари судлари ҳам янги замонавий биноларга кўчиб ўтди. Ушбу биноларда суд ижрочилари ҳудудий бўлимлари ҳам фаолият олиб боради. Бу эса суд қарорлари ижросини таъминлаш имкониятларини кенгайтиради.

«Бухоронома» газетаси сайтидаги хабарга кўра, учала объект ҳам Ўзбекистон Республикаси судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига барпо этилди. Улар қурилишига жами 4 миллиард 142,4 миллион сўм маблағ сарфланди.

2016 ЙИЛ БОШИДАН БУЁН



16,8 минг ўқувчига мўлжалланган 47 умумтаълим мактаби, 2 мусиқа ва санъат мактаби, 120 ўқувчига мўлжалланган 2 касб-хунар коллежи ва 100 ўринли 1 ётоқхона, 50 болалар спорт объект, 440 ўринли ва бир сменада 225 кишини қабул қилишга мўлжалланган тиббиёт муассасалари барпо этилди.

ЎЗХДП: ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН 6 ОЙИДА ЎЗХДП НАМАНГАН ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ ҚОШИДАГИ ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИГА 398 МУРОЖААТ ТУШДИ. УЛАРНИНГ ҲОЗИРГАЧА 80 ФОИЗГА ЯҚИНИ ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛДИ.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ТОМОНИДАН ЖОЙЛАРДА СИЁСИЙ ВА ФУҚАРОЛИК МАЪРИФАТИ ТИЗИМИДА 6 МИНГДАН Ортиқ СЕМИНАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

«ТАРФИБОТЧИ — МАҲАЛЛАДА» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКА, ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН 400 ГА ЯҚИН ТАДБИР ЎТКАЗИЛДИ.

ФРАКЦИЯ
ЙИҒИЛИШИ

■ Ички ишлар органларининг ижро ҳоқимияти тизимидаги ўрни, фаолиятининг асосий йўналишлари, вазифалари, мажбурият ва ҳуқуқлари белгиланмоқда.

Янги қонун лойиҳалари

қандай ҳуқуқий масалалар ечимига хизмат қилади?..

Бу мисоллар ҳаммаи-ни хавотирга солади, ёш авлод келажаги ҳақида чуқурроқ ўйлаб, мушоҳада юритишга ундайди.

Бугун юртимиздаги замонавий таълим муассасалари спорт иншоотлари, санъат ва мусиқа мактаблари, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилаёпти. Ёш истеъоддорларни кашф этиш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил этилаётган турли кўрик-танловлар, фан олимпиадалари, халқаро мусобақа ва фестиваллар алоҳида мазмун касб этади.

Ўтган давр мобайнида ёшлар масаласига оид 300 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Ўзбекистон бевосита ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг иштирокчиси ҳисобланади.

Ўз вақтида, яъни 1992 йилда «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»-ги қонуннинг қабул қилингани ёшларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини мустаҳкамлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилишда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Аммо бугунги шиддат билан ўзгараётган замон бу масаланинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида шу мақсадда ишлаб чиқилган «Ёшларга

оид давлат сиёсати тўғрисида»-ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қизғин муҳокама этилди.

Лойиҳада «ёшларга оид давлат сиёсати», «ёшлар (ёш фуқаролар)», «ёш оила», «ёш мутахассис» каби асосий тушунчалар очиб берилмоқда. Шунингдек, ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари таъминланиши кафолатланмоқда.

— Қонун лойиҳасига кўра, ёшлар (ёш фуқаролар) деганда, 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган шахслар назарда тутилмоқда, — дейди **ЎзХДП фракцияси аъзоси Шухрат Турсунбоев**. — Шунингдек, ёш оила тушунчасига таъриф берилмоқда. Унга кўра, ёш оила деганда, 30



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади. Шу билан бирга, айрим меъёрларни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлашга келишиб олишди.

ёшдан ошмаган эр-хотиндан ёхуд фарзанд (бола) парваршлаётган ота ёки онадан иборат бўлган оила, шу жумладан, ёлғиз, бева эр (хотин) тушунилади.

Қонун лойиҳасида ёшлар учун қўшимча кафолатлар мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Бепул умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими олиш, таълим муассасаларида ўқишга имтиёзли кредитлар тақдим этиш, ёшларнинг бандли-

гини таъминлаш, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш шулар жумласидандир.

Депутатлар қонун лойиҳасини партия дастурий максдаларининг рўёбга чиқилиш нуктаи назаридан таҳлил қилишди.

Таъкидландики, ЎзХДП Сайловолди дастурида мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшлар касб танлаши, таълим олиши ва ишга

жойлашиши учун адолатли, тенг ва ижтимоий жиҳатдан мақбул шарт-шароитлар яратиш, бепул, имтиёзли туловлар асосида фаолият кўрсатадиган давлат мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш масалалари белгиланган.

Демак, ушбу қонун лойиҳасида партиянинг электорати вакиллари бўлган ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси билан боғлиқ долзарб жиҳатлар назарда тутилмоқда. Шунинг учун фракция аъзолари қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади. Шу билан бирга, айрим меъёрларни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлашга келишиб олинди.

Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганнинг 23 йиллигига

бағишланган тантанали маросимда бугунги кунгача ички ишлар ва ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятини тартибга солидиган қонун йўқлиги, мазкур органларнинг биринчи навбатда, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги мақоми, фаолият шакли ва усулларини аниқлаштириш ҳамда уларга туза-тишлар киритиш зарурлигини таъкидлаган эди.

Шунга мувофиқ, «Ички ишлар органлари тўғрисида»-ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Фракция йиғилишида Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган ушбу ҳужжат лойиҳаси ҳам атрофлича муҳокама этилди.

Мазкур қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилишнинг

долзарблиги ички ишлар органлари фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликдаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдириш зарурати билан изоҳланади.

— Айтиш керакки, қонун лойиҳаси ички ишлар тизимида узоқ йиллардан бери тўпланиб келаётган ҳуқуқий масалалар ечимига хизмат қилади, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Бунёдjon Эшонқулов**. — Ҳужжатда ички ишлар органларининг ижро ҳоқимияти тизимидаги ўрни, фаолиятининг асосий йўналишлари, вазифалари, мажбурият ва ҳуқуқлари белгиланмоқда. Соҳа ҳодимларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш чоралари, шунингдек, ички ишлар органлари ҳодимларининг ноқонуний ҳаракатлари устидан шикоят қилиш тартибини мустаҳкамлаш масалалари назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасига кўра, ички ишлар органларининг асосий вазифаси фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади. Бу Ўзбекистон ХДП Сайловолди дастурининг устувор йўналишларига айнаган мос келади.

Шуларни ҳисобга олиб, фракция қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади, шу билан бирга, ўз таклифларини ишлаб чиқиш ҳақида қарор қабул қилди.

Гулрух ОДАШБОЕВА,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.

■ ЎзХДП ТАШАББУСИ БИЛАН

Электорат вакиллари тиббий кўрикдан ўтди

ЎзХДП Самарқанд туман кенгаши, хотин-қизлар қўмитаси, тиббиёт бирлашмаси ҳамкорлигида «Оқмачит» маҳалласида хотин-қизлар учун бепул тиббий кўрик акциясини ўтказди.

— Ушбу тadbир «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилди, — дейди **туман партия кенгаши раиси Муҳаббат Ахорова**. — Бугун болалар, жисмоний имконияти чекланган кишилар, хотин-қизлар эндокринолог, асаб, кўз, нафас йўллари касалликлари ва бошқа йўналишлар бўйича тиббий кўрикдан ўтди. Касаллиги аниқланганларга ёрдам кўрсатилди, йўлланма ва маслаҳатлар берилди.

Самарқанд вилоят партия кенгаши тез кунларда бошқа туманларда ҳам ана шундай тиббий кўрик акцияси ўтказишни режалаштирган.

Зарима НОДИРОВА

■ ВАТАНИМИЗ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
25 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Ижтимоий ҳимоя — кўнгил давоси

Урганч шаҳрида «Кучли ижтимоий ҳимоя — асосий мақсадимиз» мавзусида акция ўтказилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тadbирда партиянинг тарғибот гуруҳи аъзолари, депутатлар, туман ҳоқимлиги масъуллари, бошланғич партия ташкилотлари раислари ва оммавий ахборот воситалари ҳодимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчиси **Ғ.Сафоев** ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар жараёнида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, турмуш шароитини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

— Мамлакатимизда истиқлол йилларида қўлга киритилган ютуқларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, шунингдек, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш, улар ҳолидан хабар олиш мақсадида ушбу акция ташкил қилинди, — дейди партия вилоят кенгаши бўлими бошлиғи **Р.Давлатова**. — Акция доирасида хонадонларга кира биран бирга, таълим муассасаларида бўлиб «Ўзал ва бетакорримсан, муқаддас Ватан», жоним сенга фидо, Ўзбекистоним! шiori остида маърифий ўзгаришларни ташкил этилмоқда.

Вилоят бўйлаб ташкил этилаётган тadbирларда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт соҳаларида эришилаётган ютуқлар, улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳақида сўз юритилмоқда.

А.ШОКИРОВ,
ЎЗА муҳбири.

■ ЎзХДП: БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ — АСОСИЙ ТАЯНЧ

ЎЗГАРИШЛАР ОЗ ЭМАС,

лекин бугунги ҳаёт янада фаолликни талаб этмоқда

Андижон вилоятига хизмат сафарига борганимизда бир танишим суҳбат орасида партия бошланғич ташкилотларининг вазифаси нима-лардан иборатлигини сўраб қолди. Партиянинг дастурий мақсади, гоёси амалга ошириш ҳамда олиб бораётган тарғибот ишлари таъсирчанлиги кўп жиҳатдан бошланғич ташкилотга боғлиқлигини тушунтирдим. Партия аъзолари, электорат вакиллари сиёсий, ҳуқуқий билимини оширишда ҳам қуйи бўғин фаолияти муҳимлигини айтдим. Танишим бошланғич партия ташкилотлари фаолияти билан боғлиқ бошқа масалаларга ҳам қизиқди. Унга йўл-йўриқ кўрсатдим ва газетамизнинг келгуси сонларидан бирида Андижондаги бошланғич ташкилотлар ҳақида суҳбат тақдим этамиз, дедим.

Ваъдага мувофиқ, **Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш сектори мудири Сардор Косимовга** айрим саволлар билан мурожаат қилдим.

— **Сиз раҳбарлик қилаётган сектор ташкил этилганидан буён тизимда қандай янгиликлар жорий этилди, қандай ўзгаришлар бўлди?**

— Секторимиз тузилганига кўп вақт ўтмаган бўлсада, муайян ишларни амалга оширдик, деб ўйлайман. Биринчи навбатда бошланғич ташкилотлар қайси соҳаларда тузилганини ўргандик. 164 нафар депутатни уларга бириктирдик. Шу орқали депутатлар етакчилар билан доимий алоқа йўлга қўйилди. Бу қуйи бўғин фаолиятини кучайтиришга хизмат қилади.

Жорий йилнинг март ойида партиямиз ташаббуси билан бўлиб ўтган республика семинарида бошланғич партия ташкилотлари хона-

ларида стендлар, яъни ахборот бурчакларини ташкил этиш ҳақида муҳим тавсия ва маълумотлар олгандик. Бошланғич ташкилотлар фаолигини оширишда бу кўл келмоқда. Замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланилди. Партия сафига қўшилиш истагини билдирувчилар фаолиятимиз ҳақида кенроқ тушунарча эрга бўлди. Суврономалар компьютерда таъйинрилмоқда.

Айни пайтда вилоятимизда 870 бошланғич партия ташкилоти ташкил этилган. Уларга 32 минг нафардан ортиқ аъзо бирлашган. Бошланғич партия ташкилотларининг 525 таси маҳалла фуқаролар йиғинларида, 26 таси ишлаб чиқариш корхоналарида, 42 таси қишлоқ ҳўжалиги, 85 таси хизмат кўрсатиш соҳасида, 101 таси соғлиқни сақлаш муассасаларида ва қолган 91 таси бошқа ташкилотларда тузилган.

Тadbирларни кўпроқ қуйи бўғинда

ташкил этишга, аъзолар билан яқиндан мулоқотда бўлишга ҳаракат қилияпмиз. Уларда расмийчилик, доимий гаплардан қочишга уриняпмиз.

— **Электорат манфаатларини ҳимоя қилишда бошланғич партия ташкилотларининг иштироки нималарда кўриняпти?**

— Қуйи бўғин сайловчилар, электорат вакиллари билан ёнма-ён, ҳамнафас ва ҳамфикр бўлади. Демак, одамларнинг кайфияти, ўй-хаёллари уларга кўпроқ аён. Шунинг учун биз бошланғич ташкилотлар ишини жонлантириш, аҳоли билан мулоқотлар ўтказишга эътибор беряпмиз. Масалан, бошланғич партия ташкилотлари билан ҳамкорликда Кўчма жамоатчилиқ

Қуйи бўғин фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилиши, юқори партия ташкилотлари билан изчил алоқани йўлга қўйиши зарур. Бунинг учун бошланғич ташкилотларни қўллаб-қувватлашимиз, мунтазам равишда турли интерактив тadbирлар ўтказиб боришимиз лозим.

қабулхоналари мунтазам тарзда ташкил этиляпти. Сайловчилар, партиямиз аъзолари ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига тўсиқ бўлаётган масалалар юзасидан депутатлар, мутасадди ташкилотлар раҳбарларига мурожаат қилиш имконига эга бўляпти. Ҳозирга қадар бошланғич партия ташкилотларига тушган мурожаатлар асосида 46 масала партия гуруҳлари томонидан ўрганилди. Уларнинг аксарияти доимий комиссия ва сессияларга киритилди. Бундан ташқари, 213 депутатлик сўрови юборилди.

Кўриниб турибдики, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида сезиларли даражада ўзгаришлар бўлди. Бу аъзоларнинг фаоллиги ошгани, депутатлар масъулияти кучайганида кўринмоқда.

Бирок эришилган натижалар етарли эмас, деб ўйлайман. Бошланғич партия ташкилотлари учун онлайн мулоқотлар ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ана шунда ҳудудлар ўртасида доимий таъриба алмашинуви йўлга қўйилди, ютуқ ва камчиликларимизни очик-ошкора муҳокама қилиш имкони юзага келади. Бу фаолиятимизни янада кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

— **Бошланғич партия ташкилоти фаолиятини самарали йўлга қўйишда етакчининг вазифаси нималардан иборат, деб ўйлайсиз? Вилоят партия кенга-**

ши етакчилар фаоллигини ошириш бўйича қандай ишлар қилияпти?

— Бошланғич партия ташкилоти фаолияти самарадорлиги кўп жиҳатдан етакчига боғлиқ. Шу боис, етакчиларни қўллаб-қувватлашимиз, улар билан мунтазам равишда турли интерактив тadbирлар ўтказиб боришимиз лозим.

Шунингдек, етакчилар учун махсус ўқувлар, баҳс-мунозаралар ташкил этилиши керак, деб ўйлайман. Ана шунда улар доим ўқиб, изланади.

Партиямиз Марказий Кенгаши қарори билан ҳар ойнинг охириги шанбасида «Бошланғич партия ташкилотлари кун» ўтказилмоқда. Биз унда «**Бошланғич партия ташкилоти етакчиси қандай бўлишини истайсиз?**», «**Фаолиятимизни кучайтириш учун энг яхши таклиф**», «**Етакчининг мажбуриятлари**» каби мавзуларда баҳс-мунозаралар уюштиряпмиз. Эришилган натижаларга танқидий баҳо бериб, фаолиятимизни янада такомиллаштириш масалаларини муҳокама қилиб бораёпмиз. Ишончманки, сафимизга келиб қўшилаётган иқтидорли ёшлар, талабчан етакчилар ишимизда катта бурилиш ясаydi.

«Ўзбекистон овози» муҳбири
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА
суҳбатлашди.

ИСТИҚЛОЛ
ИМКОНиятлари

■ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 12 январда қабул қилган «Бухоро вилояти таркибида Қоровулбозор туманини ташкил этиш тўғрисида»ги тарихий қароридан сўнг бу ҳудуд гуллаб-яшнаб бошлади.




Ханойда
Ўзбекистон —
Вьетнам
маслаҳатлашувлари
бўлиб ўтди

Ханой шаҳрида 2-4 август кунлари Ўзбекистон ва Вьетнам ўртасида ҳамкорлигининг шартномаси асосида таъминоти базисини инвентаризация қилиш бўйича вазирликларaro маслаҳатлашувлари бўлиб ўтди. Вьетнам делегациясида Ташқи ишлар вазирлиги хуқуқ ва халқаро шартномалар бошқармаси бошлиғи Нгуен Мин Ву бошчилиқ қилди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати маълум қилди.

Тадбир давомида икки давлат ҳамкорлигининг ҳозирги ҳолати ва унинг истиқболлари муҳокама қилинди. Турли соҳалардаги ҳамкорлиқни янада ривожлантиришга йўналтирилган ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан фикр алмашилди. Маслаҳатлашувлар доирасида Вьетнам ташқи ишлар вазирлиги ўринбосари Ле Хоай Транг билан ҳам учрашув бўлиб ўтди. Сўхбат давомида музокараларга ижобий баҳо берилди.

«Ўзбекистонга
ташриф
буюриш учун
10 сабаб»
китобининг Лондондаги
тақдимоти



Буюк Британиядаги Ўзбекистон элчихонасининг ёзғи қабули доирасида «Ўзбекистонга ташриф буюриш учун 10 сабаб» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Мамлакатимизнинг сайёҳлик ва гастрономик салоҳиятига бағишланган ушбу тадбирда 130 дан зиёд парламент аъзолари, идоралар ва бизнес-жамиятлари вакиллари, мала-нялик журналистлар иштирок этиди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон ҳақидаги икки китоб: британиялик ёзувчи Каролин Эрденин «Самарқанд: Марказий Осиёдан рецептлар коллекцияси» номли ҳамда Dina & Co халқаро жамоасининг «Ўзбекистонга ташриф буюриш учун 10 сабаб» наشري тақдимот қилинди.

Эслатиб ўтамиз, «Ўзбекистонга ташриф буюриш учун 10 сабаб» китоби шу йил инглиз ва рус тилларида нашр этилди. Китоб Британия кутубхонаси, Виктория ва Алберт қироллик музейи ҳамда Букингем саройига совға қилинган.

ҚОРОВУЛБОЗОР — САҲРО
БАҒРИДАГИ ЧАМАН

Бепоеён саҳро бағрида жойлашган ва қўй-қўзиларга яйлов сифатида хизмат қилиб келган ушбу ҳудудга нефтьчи ва газчилар қадами етиб, дастлабки sanoat корхоналарининг пойдевори қўйилганига ярим асрдан ошди. Уша пайтдан бошлаб Қоровулбозор тилга тушди. Айни пайтда қурилиш ва sanoat билан биргаликда қишлоқ ҳўжалиғи ҳам ривожлана борди.

Бироқ ўтган асрнинг 80-йиллари поёнида туман ҳаётида иқтисодий-ижтимоий таназзул даври бошланди. Турли етишмовчиликлар, ишсизлик оқибатида аҳолининг бир қисми туманни тарк этишга тушди. Яқиндагина янаша турган манзилларнинг қайтадан саҳрога айланиш хавфи пайдо бўлди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Қоровулбозор тақдирини бутунлай ўзгартириб кетди. Худуднинг сўнаётган ҳаёти қайтадан жонланди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 12 январда қабул қилган «Бухоро вилояти таркибида Қоровулбозор туманини ташкил этиш тўғрисида»ги тарихий қароридан сўнг бу ҳудуд гуллаб-яшнаб бошлади.

Уша йили бошланган Бухоро нефтьни қайта ишлаш заводи қурилиши эса Қоровулбозор ҳаётидаги янги бунёдкорлик ҳамда иқтисодий юксалиш даврини бошлаб берди.

Ўтган давр мобайнида туманнинг қиёфаси тубдан ўзгарди, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқ уриб ривожланди. Бугунги кунда туманда 244 ҳўжалик субъекти фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, 37 sanoat корхонаси, 35 транспорт, алоқа ҳамда қурилиш ташкилотлари, 50 га яқин савдо ва умумий оқватлиниш шохобчалари туман раванқига самарали ҳисса қўшмоқда.

Биргина 2015 йилда туманнинг sanoat салоҳиятини ошириш дастури бўйича лойиҳа қиймати 11,9 миллиард сўмлик 99 лойиҳа амалга оширилиб, 340 янги иш ўрни яратилди.

Ўтган йили 1 миллион 602,6 минг АҚШ доллари миқдорида, жорий йилнинг ўтган 5 ойида эса 337,7 минг АҚШ долларлик товарлар ҳамда экспорт хизматлари кўрсатилди.

Қишлоқ ҳўжалиғи туман иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги пайтда 201 та фермер ҳўжалиғи фаолият кўрсатмоқда. Ушбу жамоаларнинг кучи билан ўтган йили 34 минг 800 тонна галла етиштирилди, пахта етиштириш шартнома режаси ошириб бажарилди.

2015 йилда режалаштирилган 25 намунавий уй-жой тўлиқ қуриб битирилиб, ҳовли тўйлари нишонланди. Жорий йилда эса яна 30 оила барча шароити муҳайё этилган хонадонларга кўчиб ўтади.

Қоровулбозорликлар жорий йилда ҳам ўзларининг моҳир деҳон эканликларини амалда намойён этишди. Давлатга дон сотиш шартномаси режаси биринчилар қаторида удаланди.

Туманда кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очилган. Жумладан, ўтган йили 81 та кичик бизнес субъектлари рўйхатга олинди, уларнинг сони 337 тага етказилди. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар кучи билан 1,6 триллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Қоровулбозорнинг асосий ва ички йўллари раванқлиги, уларнинг ёқасидаги ободлик, саришталлик, бир-бирига уланган гулзорлар, оқшомдан тонггача порлаб турадиган электр ёриткичлар кўзни яшнатади, дилни қувонтиради.

Бундан чорак аср муқаддам бу ерда савдо дўконлари, ошхоналари

бармоқ билан санаш мумкин эди. Бугун эса нозик дид билан қурилган ўнлаб хизмат кўрсатиш масканлари эрталабдан кенгча мижозлар билан гавжум.

Туманда ижтимоий соҳани ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Аҳолининг ўғил-қизлари замонавий биноларда жойлашган ва давр талабларига мос даражада жиҳозланган 8 мактаб ва 9 мактабгача таълим муассасаси, академик лицей, касб-хунар коллежида таълим ва тарбия олмоқда.

Шунингдек, 3 маданият саройи, 4 ахборот ресурс маркази, 2 спорт-соғломлаштириш мажмуаси, янги бино-

нефтьни қайта ишлаш заводи ишчи — хизматчилари учун қурилган бир ва икки қаватли уйлар, икки тарафда анвойи гуллар яшнаган раван қўчалар, муҳташам маданият саройи, мактаб, лицей, спорт — соғломлаштириш мажмуаси ва меҳмонхона, майдонларда яратилган гулзорлар-у фавворалар гўзаллиғи кўнгилни қувнатади.

Усиб келаётган ёшларга эътибор давлат ва жамоат ташкилотларининг кундалик ишига айланган. Туман sanoat ва транспорт касб-хунар коллежини битирган йигит-қизларнинг олий ўқув юртига қирмаган қисми тўлиқ иш билан таъминланди. Бу йил ҳам 320 нафар битирувчи ишчилар сафидан ўрин олди.

Туманда бунёдкорлик ишлари йил сайин кенг қўл оч ёймоқда. Кунчиқар тарафдаги Сардоба рўпарасида намунавий лойиҳа асосида қурилган ва қурилатган уйлар Қоровулбозорнинг қўрқига қўқ қўшмоқда. Касб-хунар коллежининг ҳашаматли биноси, бошқа маиший, маъмурий иншоотлар ўз қўрғи ва жиҳоси билан йирик шаҳарлардаги иморатларни эслатади.

2015 йилда режалаштирилган 25 намунавий уй-жой тўлиқ қуриб битирилиб, ҳовли тўйлари нишонланди. Жорий йилда эса яна 30 оила барча шароити муҳайё этилган хонадонларга кўчиб ўтиш тарадудиди.

Бугун Қоровулбозорда ким билан суҳбатлашсанг, ҳаммининг чехрасидаги ҳаётдан мамнунлиқни, қилаётган меҳнати ва эришяётган натижадан гурури, тинч ва оқсоқилга юрда яшаётганликнинг шукронасини кўраси.

Дарвоқе, мустақилликнинг дастлабки йилларидаги матонатли меҳнати ва шижоатлари билан мамлакатимизнинг нефть мустақиллигини таъминлашга улкан ҳисса қўшган, саҳро бағрида жаннатмонанд чаман яратган қоровулбозорликлар юрт иқтисодиётини юксалтиришга қўшаётган ҳиссаларидан қанча фахрланишса, ҳақиқи бор.

Баҳром СОЛИЕВ,
«Қоровулбозор тонги»газетаси
бош муҳаррири.

КўРИК-ТАНЛОВ

КАСБ
МАҲОРАТИ
НАМОЙИШИ

Ҳаммамизга яхши маълумки, турли объектларни ишончли қўриқлаш, фуқароларнинг моддий бойликларини ҳамда хонадонларини дахлсизлигини таъминлаш ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш хизмати ходимларининг асосий вазифалари сирасига кирилади. Бунда уларнинг жанговар ва жисмоний тайёргарлиғи, азму шижоати ва касб маҳоратини доимий ошириб бориши муҳим аҳамият касб этади.



Ички ишлар вазирлиғи ҳузуридаги «Қўриқлаш» бирлашмаси томонидан Навоий вилоятида мазкур тизим ходимлари ўртасида ташкил этилган қўриқ-танлов ҳам айна мақсад йўлидаги сайёҳ-ҳаракатлардан биридир.

Қизгин беллашувларга бой тарзда ўтган танловда қўриқлаш хизмати ходимлари учта йўналиш, яъни «Энг яхши қўриқлаш милиционерини», «Энг яхши техник қўриқлаш пункти бошлиғини», «Энг яхши аёл ходима» номинациялари ҳамда умумжамоа ҳисоби бўйича ғолибликни қўлга киритиш учун астойдил ҳаракат қилишди. Танловнинг республика босқичида 45 нафар ходим ва 14 нафар масъул раҳбар қатнашди.

Якуний натижаларга кўра, умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси жамоаси биринчи, Андижон ва Навоий вилоятлари ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармалари иккинчи ва Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси вакиллари учинчи ўринни эгаллашди.

Андижон вилоят ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси милиционерини, сафдор Нолираҳон Матмусаева «Энг яхши аёл ходим» номинациясида ғолиб деб топилди. Шунингдек, «Энг яхши техник қўриқлаш пункти бошлиғи» йўналишида Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси Техник қўриқлаш пункти бошлиғи, кичик сержант Бекзод Тўхтамуродов муваффақият қозонди. «Энг яхши қўриқлаш милиционерини» номинациясида эса биринчи ўринга Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси милиционерини, сафдор Марат Худойбергандов лойиқ топилди.

Ғолиб ва совриндорларга фахрий ёрлик, медаль, диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Элмурод ҚЎЗИЕВ,
ИИБ ҳузуридаги
«Қўриқлаш» бирлашмаси
катта инспектори, катта
лейтенант.

ИҚТИСОДИЁТ

Замонавий лизинг хизматлари

Қишлоқ ҳўжалиғи мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи соҳаларидан бири ҳисобланади. Истиқлол йилларида экин майдонларининг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Президентимизнинг 2013 йил 19 апрелдаги «2013 — 2017 йиллар даврида сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг манткий давоми бўлди. Унда бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолдаги ирригация ҳамда мелiorация тадбирларини олиб бориш, объектларни реконструкция қилиш, таъмирлаш, шунингдек, сув тежовчи технологияларни жорий этиш орқали обихаётдан унумли фойдаланиш бўйича аниқ вазифалар белгила берилган.

«Ўзмелиомашлизинг» давлат лизинг компанияси бугунги кунда мулкчилик

шаклидан қатъи назар барча ҳўжалик юритувчи субъектларга замонавий лизинг хизматларини кўрсатиб келмоқда. Тизимга замонавий техникаларнинг жалб этилиши ирригация ва мелiorация тадбирларини тез ва сифатли амалга ошириш, бажарилган ишлар таннархини арзонлаштириш, ер ости сув сатҳини пайсатириш имконини яратмоқда.

Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер ҳўжалиқларини мелiorатив техника билан таъминлашнинг энг қулай усули лизинг ҳисобланади. Яъни, молиявий хизматларнинг ушбу тури имтиёзли шартларда, узок муддатга тақдим этилади. Компания томонидан кўрсатилаётган бундай

хизматлар қўламини янада кенгайтириш мақсадида халқаро стандартларга жавоб берадиган илғор усуллар жорий қилинаёпти. Бунинг самараси ўлароқ, бугунги кунда лизинг лойиҳаларини мамлакатимизнинг исталган ҳудудида амалга ошириш имконияти яратилган. Лизинг ҳужжатларини тайёрлаш борасида жойлардаги мутахассислар уларга амалий ёрдам беришади. Пировардида кўрсатилаётган хизматлар қўламини тобора кенгайтириш, компаниянинг лизинг портфели молиявий кўрсаткичи ўтган йилда 26 фоиз ошди.

2015 йилда 257, жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида 100 га яқин мелiorатив техника воситалари лизинг буюмлари асосида талабгорларга етказиб берилди. Ушбу техникаларнинг турлари ҳам йилдан йилга кўпаймоқда. Ҳозирги кунда мижозларга занжирли экскаватор, бульдозер, авто-

самосвал, автокран, автобензовоз, «ТТЗ-100 НС» ва «ТС-135» русумли тракторлар, канал ювиш машиналари сингари 20 га яқин техника воситалари лизинг асосида таклиф этилаёпти. Бу ҳўжалик юритувчи субъектларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, сув ҳўжалиғи ва мелiorация ишлари қўламини кенгайтириш имконини бераёпти.

Кейинги йилларда компания томонидан иқтисодий ривожланиш стратегиясининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган маҳаллийлаштириш қўламини кенгайтириш доимий эътибор марказида бўлиб, юртимиз ишлаб чиқарувчилари билан ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланмоқда. Хусусан, 2014 йилда Хоразм вилоятида фаолият бошлаган «UzXCMG» қўшма корхонасидан экскаватор ва бульдозерлар харид қилиниб, лизинг олувчиларга етказиб берилаётган

бўлса, «UzCase» қўшма корхонасидан кичик экскаватор юклагичлар сотиб олинаётди. Натижада 2014 йилда техникаларнинг 70 фоизи, ўтган йили эса 85 фоизи маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилинди.

Мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиғи соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, ер ҳамда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш нафақат жорий йил, балки яқин истиқболга мўлжалланган иқтисодий дастурларнинг энг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган. Бу эса компания зиммасига қўшимча вазифалар юклаш баробарида, хизматлар қўламини кенгайтиришни ҳам тақозо этади.

Акрам СУЛАЙМОНОВ,
«Ўзмелиомашлизинг»
давлат лизинг
компанияси ижрочи
директори.



«САБАНТҮЙ»

байрами бўлиб
ўтди

Самарқанд шаҳридаги «Ёшлик» маданият ва истироҳат боғида татар ва бошқирд халқларининг «Сабантуй» миллий байрами бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир вилоят ҳокимлиги, Самарқанд шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамда «Умрзая» таттар ва бошқирд миллий-маданий маркази ташаббуси билан ташкил этилди.

Унда вилоятдаги бошқа миллий маданият марказлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди, деб хабар беради «Зарафшон» газетаси.

Тадбирда Татаристонда хизмат кўрсатган артист Рамзия Бекбаева ва вилоят санъаткорлари томонидан куй-қушиқлар, миллий рақслар ижро этилди.

ТОШКЕНТ
сайёҳлар орасида
машҳур

Россиядаги RoomGuru.ru сайёҳлик сервиси 2016 йилда россиялик сайёҳлар орасида МДХ мамлакатларининг энг оммабоп бўлган шаҳарларини аниқлади. Мазкур рейтингда Тошкент шаҳри 7-ўринда қайд этилган.

Uz24.uz сайти тарқатган маълумотга кўра, рейтинг сайёҳлик сервиси экспертлари томонидан 2016 йилнинг биринчи ярмида меҳмонхоналарнинг брон қилиниши бўйича олинган маълумотлар асосида тузилган. Беларус пойтахти Минск россиялик сайёҳлар назарида МДХ мамлакатларидаги энг оммабоп шаҳар экан.

ОШПАЗЛАР
КҲРИК-
ТАНЛОВИ

Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси ва Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилган «Олтин пичоқ» пазандалар кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республика босқичи бўлиб ўтди.

Унда шаҳар ва туманлардаги ресторан ва кафеда ишлаган 17 нафар ошпаз иштирок этиб, қорақалпоқ, ўзбек миллий таомлари ва жаҳон таомларини тайёрлашди.

Ҳакамларнинг қўйган баҳоларига кўра, Кегайли тумани «Айсултан-Шарапатдин» хусусий фирмаси бош ошпази Индира Мамбетназарова 1-ўринни қўлга киритган бўлса, 2-ўринни Чимбой туманидаги «Сатуллаева Венера» масъулияти чекланган жамияти бош ошпази Алтын Жарипова ва 3-ўринни Нукус шаҳридан «Ал Жахангир-Нукус» масъулияти чекланган жамияти бош ошпази Фазлиддин Закиров қўлга киритди, махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Тўртқўл, Хўжайли ва Кўнғирот туманидан келган ошпазлар эса номинациялар бўйича мукофотланди.

Ҳакамлар танловнинг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтаётган финал босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

ОЛИМПИАДА
— 2016Боксчиларимиз биринчи бўлиб
майдонга тушади

Кеча Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида XXXI ёзги Олимпия ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди

Сайёрамизнинг миллиардлаб спорт мухлислари орзигиб кутган ҳаяжонли тантаналар етти иккимга маълумо машҳур бўлган «Марахана» стадионида ўтказилди. Олимпиаданинг тантанали очилиш маросимини саксон мингдан ортиқ томошабин бевосита стадионнинг ўзида кузатиш бахтига муяссар бўлди.

Ер кўрсатининг ушбу нуфузли мусобақасида 207 мамлакатдан 10500 дан зиёд спортчи ғолиблик учун майдонга тушмоқда. Унда қатнашчилар спортнинг 33 тури бўйича 306 комплект медаллар учун кураш олиб боришди.

XXXI ёзги Олимпия ўйинларида Ватанимиз шарафини жами 70 нафар спортчи, жумладан, 23 нафар хотин-қиз ҳимоя қилмоқда.

— Мамлакатимиз боксчилари биринчилардан бўлиб Бразилияга етиб келишганди, — дейди бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи, Сидней олимпиадаси бронза медали совриндори Рустам Саидов. — Режага кўра, охиригича ҳафталик ўқув-машғулот йиғини Сан-Паулу штатида уюштирилди. Эркалар ўртасидаги мусобақаларда терма жамоамиз



тўлиқ — ўнта вазн тоифасида медаллар учун курашса, аёллар ўртасида илк маротаба Ёдгорой Мирзаева (51 кг) Ўзбекистон номидан рингга чиқади. Халқимиз «чарм қўлқоп» усталаримизга катта ишонч билан қарашмоқда. Бетақор ва эртақларга монанд тарзда уюштирилган тантанали очилиш маросимида Ватанимиз байроғини истеъдодли боксчимиз Баҳодир Жалолов (+91 кг) майдонга олиб чиқди.

Боксчиларимизнинг барчаси мамлакатимиз мустақиллигининг йиғирма беш йиллик тўйига муносиб совға тайёрлашни, юртимизга ёруғ юз билан қайтишни мақсад қилган.

Ёзги Олимпия ўйинлари дастурига кўра, юртимиз «чарм қўлқоп» усталари биринчи бўлиб бахсларга киришади. Қўрага мувофиқ, мусобақанинг дастлабки босқичида Фазлиддин Ғойибназаров (64 кг)



конголик Дивал Жаламоу Малонго, Шахрам Ғиёсов (69 кг) испаниялик Юба Ндые Сиссо, Рустам Тўлағанов (91 кг) эквадорлик Хулио Сезар Кастильога қарши жанг ўтказди.

Шунингдек, хотин-қизлар ўртасида Ёдгорой Мирзаева (51 кг) канадалик Мэнди Буйолга қарши рингга кўтарилади. Мусобақада АIBАнинг янги йўналиши бўйича юртимиз шарафини ҳимоя қила-

ётган Хуршид Тожибоев (60 кг) эса қатарлик Хакан Эрескер билан жанг олиб боради. Хасанбой Дўсматов (49 кг) ҳамда Элшод Расулов (81 кг)лар эса бахсларни 1/8 финал босқичидан бошлайдиган бўлишди.

Рио-де-Жанейро олимпиадаси теннис мусобақаларида мамлакатимизнинг биринчи ракеткаси Денис Истомирин ҳам иштирок этмоқда. Қўрага кўра, ҳамюртимиз дастлабки давра учрашувда ҳозирда дунё теннис таснифидида 12-погонани эгаллаб турган испаниялик Давид Феррерга қарши қорға тушади.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, XXXI ёзги Олимпия ўйинлари дастуридан хой олган футбол учрашувлари 3 август куни старт олди. Дастлабки турда бир қатор қўтилмаган натижалар қайд этилди: Ироқ — Дания — 0:0, Гондурас — Жазаир — 3:2, Бразилия — Жанубий Африка Республикаси — 0:0, Мексика — Германия — 2:2, Португалия — Аргентина — 2:0, Швеция — Колумбия — 2:2, Фижиги — Жанубий Корея — 0:8, Нигерия — Япония — 5:4.

Эркин ХОЛБОБОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

БОЛАЛАР СПОРТИ

ФАРЗАНДАР КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

Мустақилликдан олдин болалар спорти, қишлоқ спорти ҳақида гап кетса, баъзи вилоятлардан айрим мисолларнигина келтириш мумкин эди. Бугун эса энг чекка туманларда ҳам замонавий болалар спорт иншоотлари барпо этилмоқда, спорт билан шуғулланётган болалар сафи тобора кенгайиб бормоқда.



Учқўприк туманида ҳам болалар спортини ривожлантириш борасида талайгина ишлар амалга оширилди. Бу жараёнда турғисида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Фарғона вилояти филиали Учқўприк тумани бўйича мутахассиси Шавкатжон Хайдаров қўйидаги фикрларни билдирди:

— Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан туманимизда ўнга яқин умумтаълим мактаблари спорт заллари тўлиқ қайта реконструкция қилинди. Жорий йилда 14-умумтаълим мактаби спорт зали қурилиши учун 1 миллиард 150 миллион сўм маблағ сарф этиш кўзда тутилган.

Ҳозирда туман болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 1188 нафар ўғил-қиз спортчилар ишлamoқда. Ш. Эшонқулов, О. Йўлдошев, Р. Мамажонов, М. Очилдиев, Қ. Собилов, Ж. Йўлчиев, Г. Жўраева, Ш. Юсупов, Ж. Сатимов, Р. Алиев каби мураббийларнинг меҳнатлари самарасини ёш спортчиларнинг қўлга киритаётган ютуқларида кўриш

мумкин. Бугунги кунда ўсмирлар ва ёшлар ўртасида енгил атлетика бўйича Олимжон Акбаров, Хурсаной Каримова, боксчилар Икром Жабборов, ёш волейболчи Моҳиғул Мамажонов, шохматчилар Шоҳсанам Ғофурова, Музаффар Эминжоновларни нафақат вилоятда, балки юртимизда ҳам кўпчилик яхши танийди. Бу каби истеъдодли ва умидли ёшлар айна пайтда халқаро майдонларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келишяпти.

— Спорт аниқ мақсад билан яшаб, Ватан шайини ҳимоя қилиш учун курашишни ўргатди, — дейди ёшлар ўртасида шохмат бўйича Осиё чемпионати совриндори, халқаро турнирлар ғолиби Музаффар Эминжонов. — Халқаро мусобақаларда юртимиз байроғи баланд кўтарилганда юрагим фахри-фитхорга тўлади. Аввало, Ўзбекистон фарзанди эканлигимдан, ота-онамининг орзуларини рўёбга чиқараётганидан бахтиёрман.

Учқўприкликлар, айниқса, истеъдодли футболчи Равшан Хайдаров билан ҳақли равишда

фахрланишади. Равшан 2002 йилдан бошлаб туман болалар-ўсмирлар спорт мактабида футбол бўйича сабоқ олди. Умидли футболчи 2011 йилда Мексикада ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси таркибиди Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, кучли саккизликдан ўрин эгаллади. У «Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги» кўрак нишони соҳиби бўлди. «Халқаро тоифадаги спорт устаси» унвони билан тақдирланди.

— Бадиий гимнастика қизларимиз учун жуда муҳим спорт тури, — дейди болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бадиий гимнастика мураббийи Азизахон Турғунова. — Қизларининг соғлом, бўлишини истаган ота-оналаримиз кўп. Бу эса спортга муносабат ўзгараётганини кўрсатади, юртимизда соғлом турмуш тарзи шаклланаётганини билдиради.

— Спорт билан шуғулланётган ёшлар иродали, мустақил фикрли бўлиб вояга етиши аниқ, — дейди туман болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Эркинжон Орипов. — Бунини тўғри англаган ота-оналаримиз эса ўғил-қизларининг спорт билан шуғулланишлари учун вақт ажратишяпти, фарзандларининг келажаги учун қайғуришяпти.

Дарҳақиқат, бугун нафақат шаҳар ва туманлар марказида, балки чекка ва тоғли қишлоқларда қад ростилаётган замонавий спорт иншоотлари кўзга қўнғиради. Бу ерда болалар ўзларига маъқул спорт турлари билан мунтазам шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда. Соғлом, кучли, мард ва қатъиятли бўлиб камолга етмоқда.

Хилола ЮНУСОВА,
журналист.

РЕКЛАМА

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTION SAVDO» МЧЖ

2016 йил 8 сентябрь куни бошланғич нархи босқич-ма-босқич ўсиб бориш тартибидида очик аукцион савдоларини ўтказиш

Аукцион савдоларига Тошкент ш., Чилонзор тумани, Чорбоғ кўчаси, 1-уйда жойлашган «NEFTGAZMAXSUSQURILISH» УК балансидаги 1995 й. и/ч, д/р 01/371КВА, бошланғич нархи 1 054 000 сўм бўлган «ГАЗ-31029 СНГ»; 1999 й. и/ч, д/р 01/362КВА, бошланғич нархи 1 297 000 сўм бўлган «ГАЗ-3102»; 1999 й. и/ч, д/р 01/268ВВА, бошланғич нархи 2 864 000 сўм бўлган «УАЗ-31519»; 1996 й. и/ч, д/р 80/712ММА, бошланғич нархи 1 713 000 сўм бўлган «УАЗ-31512» русумли; Тошкент ш., «Юнусобод тумани, Бодомзор йўли кўчаси, 1-«А» уйда жойлашган Марказий авария-диспетчерлиги хизмати қорхонаси балансидаги 1987 й. и/ч, д/р 01/782КСА, бошланғич нархи 11 654 500 сўм бўлган «ЗИЛ-431412ТСВ67» русумли автомобил-транспорт воситалари ҳамда 2000 й. и/ч, д/р 23-06ЕК, бошланғич нархи 11 500 000 сўм бўлган «ТТЗ-80.10» русумли трактор техникаси қўйлади.

Талабгорлардан буюртмано-маларни қабул қилиш, расмий иш қўнғурида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18:00да тўхтатилади. Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархининг камида 20 фоизи микдоридида закат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTION SAVDO» МЧЖнинг АТББ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА:00425, СТИР:302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йиғирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закат пули микдори сотиб олиш тўлови микдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тўлиғида қадар тўлаб бериш шартлари қўйлади.

Мазкур автотранспорт воситалари қўриқорида белгиланган савдо кунидида сотилмаган тақдирда, улар бўйича тақрибдан аукцион савдолари, навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу автотранспорт воситаларининг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг қўриқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишиш мумкин.

Аукцион савдолари соат 15:00да бошланади ва қўйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темури шох кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Махлислар зали).

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-23-40; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAAS_MCHJ@mail.ru.

Шунингдек, «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTION SAVDO» МЧЖ томонидан 2016 йил 14 ва 21 июль кунлари ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги балансидаги д/р 01/851WAA бўлган «Нексия» — 26 100 000 сўмга; Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги балансидаги РТАВ-211 «Трапе» (Франция) русумли салқин ҳаво берувчи музлатгич машинаси (чиллер) — 64 400 000 сўмга сотилганиги ҳамда «Ўзбекистон овози» газетасининг 2016 йил 28 январь, 12-сонидида берилган эълондаги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги балансидаги давлат рақамлари 01/505BCA ва 01/928FBA бўлган 2 та «Ласетти» русумли автотранспорт воситалари ушбу ташкилотнинг 2016 йил 27 июльдаги А/05-2185-сонли ҳатига асосан аукцион савдоларидан олинганлиги маълум қилинади.

Гувоҳнома № 005357

2016 йил —
СОҒЛОМ ОНА
ВА БОЛА ЙИЛИ

АҲОЛИ
ТИББИЙ
КЎРИКДАН
ЎТКАЗИЛДИ

Юқори Чирчиқ туманидаги «Бардонқўл» ва «Дўстлик» қишлоқ фуқаролар йиғинлари аҳолиси чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда фонднинг Тошкент вилояти ҳудудий филиали кўча тиббий-ижтимоий ёрдам бригадаси ҳамда туман тиббиёт бирлашмаси шифокорлари аҳолига тиббий хизмат кўрсатди.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифати ва самардорлигини юксалтириш, даволаш муассасалари моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган изчил ишлорлар юксак самаралар бермоқда. Президентимизнинг 2014 йил 1 августдаги «2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди Тошкент вилояти ҳудудий филиали кўча тиббий-ижтимоий ёрдам бригадаси томонидан 133 маҳалла фуқаролар йиғини аҳолисининг ижтимоий шароити ўрганилди. Бригада шифокорлари 38 қишлоқ врачлик пункти ва 2 қўп тармоқли марказий поликлиникада бўлиб, 8 минг 500 га яқин аҳолини тиббий кўриқдан ўтказди.

— Текширувларга малакали шифокорлар жалб қилинди, — дейди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди Тошкент вилояти ҳудудий филиали директори Мухаббат Йўлдошева. — Ёлғиз кексалар, ногиронлар, кам таъминланган оилалар аъзолари тиббий текширувга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маҳаллаларда кенг жамоатчилик иштирокида соғлом турмуш тарзи асослари, оилаларда тиббий маданиятни юксалтириш ҳамда касалликлар профилактикаси юзасидан тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилмоқда.

И.АВВАЛБОВ,
ЎЗА муҳбири.

БУГУН	Об-ҳаво маълумоти	(°C)
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+40/+25	
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+40/+25	
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+40/+25	
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+40/+25	
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+40/+25	
Тошкент шаҳри	+39/+23	

ЎЗХДП Бувайда туман кенгаши, халқ депутатлари туман Кенгашидаги гуруҳи партияимиз аъзоси, меҳнат фойхириси Ўқтам ХУДОЙБЕРДИЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

MUASSIS:

O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Saidkamol
XODJAYEV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va

shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 859
8858
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 21:50
Topshirilgan vaqti — 23:50

Sotuvda kelishilgan narxida

Navbatchi:

Mirbaxtiyor MIRFAZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 4 5 6